АКАДЕМИККА АТАЛГАН ГУЛЛАР

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон Фанлар академияси мажлислар залида олимларнинг ушбу қароргоҳи, мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги, 1-ТошМИ ҳамда республика жарроҳлар ассоциациясининг қўшма тантанали анжумани академик, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ўктам Орипов таваллудининг 70 йиллигига бағишланди. Анжуманда таниқли олимнинг сафдошлари, ҳамкасблари, шогирдлари, кенг жамоатчилик қутлов сўзлари изҳор этишди. Ўктам Орипов йиғилганлар ҳузурида "Билиар хирургияда тикувчи аппаратларни қўллаш истиқболлари" деган мавзуда маъруза қилди.

Адиба ҒОЙИБОВА.

ТЎГАРАК — ДОИМ КЕРАК

ҚАШҚАДАРЁ. Кейинги пайтда тўгаракларга муносабат бироз ўзгарди. Яқинда вилоят болалар ва ўсмирлар ижодкорлик марказида "Йилнинг тўгарак раҳбари" кўрик-танлови ўтказилди. Уч кун давом этган танловда туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари тўгарак раҳбарлари иштирок этдилар. Беллашувда Қарши туман болалар ва ўсмирлар маркази рассомлик тўгараги раҳбари М. Муқимова биринчи ўринни эгаллади.

Юнус УЗОҚОВ.

АВВАЛ ТАОМ, КЕЙИН КАЛОМ

НАМАНГАН. Шаҳардаги 7-мактаб бошланғич синфларининг ўқувчилари учун бепул нонушта ташкил қилинди. Болакайлар тўйимли ва сервитамин таомларга тўйиб, кейин дарсга кирадилар. Хайрия нонушталари вилоят "Маҳалла" ва "Болалар" жамғармалари ҳамда "Ниҳол" ва "Л-Сардор" фирмалари маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ХАЗОРБОҒДА ТИББИЁТ МАСКАНИ

БУХОРО. Ромитан туманидаги "Дўстлик" жамоа хўжалиги аъзолари энди саломатликларини тиклаш учун узоққа бормайдиган бўлишди. Чунки, Хазорбоғ қишлоғининг марказида тиббиёт маскани учун замонавий бино қурилди. Уни 191-механизациялашган кўчма тизим жамоаси қисқа муддатда бунёд этди.

Даврон БАҲРОНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 7 январь, сешанба № 3 (22.088).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалиги фанининг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш, бозор иқтисодига ўтиш шароитларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширишда илмий муассасаларнинг роли ва масъулиятини кучайтириш, республика агросаноат мажмуидаги ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси умумий йиғилишининг уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказига айлантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази:

илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюролари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бошқа илмий ҳамда илмий-ёрдамчи ташкилотлар бирлашмаси;

қайси идорага қарашлигидан қатъи назар, агросаноат мажмуи соҳасида республика илмий муассасалари ва олий ўқув юртлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи орган;

мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда, марказнинг илмий-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини энг аввало қишлоқ хўжалиги тармоқлари мужмуини чуқур ўрганишга ва уни келажакда ривожлантиришнинг принципиал йўналишларини ишлаб чиқишга, шунингдек, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг аниқ амалий вазифаларини ҳал этишга йўналтирган ҳолда қуради.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг асосий вазифалари ҳисоблансин:

Ватанимиз ва жаҳон илм-фани ва амалиётининг энг яхши ютуқларидан тўлароқ фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда республика агросаноат мажмуининг энг муҳим муаммолари бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этиш. Уларнинг натижаларини қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этиш;

суғориладиган ва лалми ерларнинг унумдорлигини ҳамда самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов беришнинг, чорва моллари ва парранда ўстиришнинг, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш;

селекция ва уруғчилик, наслчилик иши соҳасидаги тадқиқотларни кенгайтириш, селекцияга оид ютуқларни синаб кўриш ва муҳофаза қилиш;

илмий тадқиқотлар соҳасида шартнома муносабатларини ривожлантириш, тугалланган ишланмаларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий қилиш учун илмий ходимлар ва мутахассисларнинг манфаатдорлигини ҳамда масъулиятини рағбатлантирувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, юқори самарали, ижтимоий йўналтирилган кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, хўжалик ичидаги муносабатлар механизмини такомиллаштириш, қишлоқда хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни шакллантириш муаммоларини ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш;

юқори унум билан ишлайдиган, мустаҳкам ва тежамкор қишлоқ хўжалиги машиналари ва механизмларининг янги турларини яратиш ва жорий этиш;

эскидан суғориб келинаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва реконструкция қилишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, янги ерларни ўзлаштириш, суғоришнинг илғор усулларини ва сувни тежовчи технологияларни жорий этиш;

қишлоқ хўжалигини ташкил этиш ва юритишнинг жаҳон илғор тажрибасини ўрганиш ва ижодий қўллаш, халқаро ва хориждаги етакчи илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

республикада ва хорижда қишлоқ ва сув хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этишда қатнашиш.

4. Илмий-тадқиқот ташкилотларининг қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари билан алоқаларини мустаҳкамлаш ва илмий-техник ишланмаларни ҳаётга самарали жорий этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг бўлимлари тузилсин.

5. Собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзоларининг амалдаги барча имтиёзлари, шу жумладан, гонорарлари сақлаб қолинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига академия таркибида қишлоқ хўжалиги фанлари бўлимини ташкил этиш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 11 июндаги 218-сон Фармони ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 6 январь.

БОЛАЖОНЛАР ДАВРАСИДА

Шаҳрихон шаҳрида болалар қишки таътилининг мароқли ўтишига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда Амир Темур хиёбонида арча байрами ташкил қилинди. Асосий қатнашчилари болалар бўлган байрам даврасида Шаҳрихон шаҳар ҳокими Мухторжон Усмонов бир гуруҳ фаоллар билан иштирок этди.

Ям-яшилликка бурканиб қад ростлаган катта арча атрофида болаларнинг қувноқ шеър ва қўшиқлари янгради. Кўпчилик рақсга тушди. Давранинг энг ҳозиржавоб, ҳаракатчан қатнашчилари бўлган болаларга ҳокимнинг совғалари топширилди. Қорбобо билан қор қиз кичкинтойларга совға улашди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ангор туманидаги Кўзи Тўлаков номли жамоа хўжалигида қишда ҳам карам пишиб ётибди.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

· **ДЕҲЛИ.** *Ҳиндистон Олий суди «Дунёнинг етти мўъжизаси»дан бири — Тожмаҳал мақбараси атрофидаги тошкўмир билан ишлайдиган барча саноат корхоналарини ёпиб қўйишга қарор қилди.*

Агар мазкур қарор кучга кирса, Агра шаҳрининг ушбу ҳудудидаги 400 га яқин саноат корхонаси 1997 йилнинг охирига қадар атроф-муҳитни беҳад ифлослантиришдан тўхтайди. Ҳиндистон ҳукумати эса Тожмаҳал атрофида жойлашган корхоналарни бошқа ёққа кўчиришга ёрдам беради. Шу жойда қолишга қарор қилган корхоналар эса ўзининг ишлаб чиқариш технологиясини тамоман замонавийлаштириши керак.

Шуни таъкидлаш керакки, гарчанд Ҳиндистонда Тожмаҳални сақлаб қолиш учун кураш анча олдин бошланган бўлса-да, шу пайтга қадар жиддий натижаларга эришилгани йўқ. Халқаро экологларнинг фикрича, Ҳиндистон ҳукуматининг мазкур қарори жаҳон маданиятининг бебаҳо бойлигини ҳалокатдан қутқариб қолиш йўлида қўйилган катта қадамдир.

***

· **БРЮССЕЛЬ.** *Эритреяда ўлдирилган беш нафар бельгиялик сайёҳнинг жасади ўз ватанига олиб келинди. Дастлаб бельгияликлар мазкур қотиллик ҳақида эшитганда ҳайратдан лол қолди. Кейин ушбу мамлакатга қизиқиш ортди. Чунки, Эритрея давлати ҳақида кўпчилик энди эшитиб турган эди.*

Қизиғи шундаки, сайёҳларга нисбатан бундай зўравонликлар Африкада тез-тез такрорланиб туришига қарамай, мазкур қитъанинг бельгиялик сайёҳлар орасидаги оммавийлигига путур етаётгани йўқ. Аксинча, Бельгия сайёҳлик бюросининг маълум қилишича, мазкур ҳодисадан сўнг, Африкада сайр қилувчилар сони камайиш ўрнига, бир неча фоизга ошган.

* * *

· **МОСКВА.** *Франциянинг «Ланс» футбол клуби россиялик ярим ҳимоячи Александр Ричков билан тузилган шартномани бекор қилди. Клуб раҳбариятининг бундай қарорга келишига текширув чоғида мазкур спортчи наркотик моддаларни суиистеъмол қилгани аниқланган сабаб бўлди.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ТИЗИМИДАГИ КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН АҲОЛИГА САВДО ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИНГ АҲВОЛИНИ ЎРГАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика қишлоқ савдосидаги олиб борилаётган ислоҳотларнинг аҳволини ўрганиш, қишлоқ аҳолисини кундалик эҳтиёждаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат товарлари билан таъминлашдаги савдо хизматини яхшилаш, «Ўзбекбирлашув» ва унинг жойлардаги бўлинмалари раҳбарларининг бозор иқтисоди шароитида бу ишларни ташкил этишдаги масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ушбу масалани ўрганиш бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этилсин ва жойларга юборилсин.

2. Гуруҳ раҳбарлари ушбу ишни ташкил этиш учун тегишли вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимларини, республика Давлат солиқ қўмитаси, Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва тижорат банкларининг таркибий бўлинмаларининг мутахассисларини жалб этсинлар.

Кўрсатилган гуруҳлар қуйидагиларни ўргансинлар:

— савдо шахобчаларининг моддий-техника базасини, уларнинг санитария меъёрларига ва аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти талабларига мувофиқлигини;

— қайта ташкил этилган матлубот кооперацияси объектлари мулкчилик турларининг уларнинг иш услубларига амалда мослигини;

— савдо корхоналарини товарлар, айниқса энг зарур маҳсулотлар билан таъминлашдаги ишларнинг аҳволини, уларнинг савдо тармоқларида етарлилигини;

— савдо шахобчаларидан уларга юклатилган мақсадларда фойдаланилишини, уларнинг иш унумдорлигини, иқтисодий самарадорлигини, аҳолига хизмат кўрсатиш шаклларидан фойдаланишини, савдо корхоналарининг иш режимини, савдо ходимларининг ўзларининг пировард иш натижаларидан манфаатдорлигини;

— «Ўзбекбирлашув» ҳудудий бўлинмаларининг қишлоқ аҳолисига савдо хизматини ташкил қилишдаги роли, бунда улар раҳбарларининг масъулияти ва бевосита иштироклари;

— жойлардаги ҳокимликларнинг аҳолини озиқ-овқат ва товарлар, айниқса кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлашдаги ташкилий ишлари.

3. Замонавий инфраструктурани шакллантириш ва аҳолига сифатли савдо хизмати кўрсатишни ташкил этиш учун жавобгарлик шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимларига юклатилсин.

4. Гуруҳ раҳбарлари бир ойлик муддат ичида қишлоқ аҳолисига савдо хизматини яхшилаш бўйича аниқ таклифлар билан бирга амалга оширилган ишларнинг якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг девонига маълумотнома тақдим этсинлар.

5. Ушбу ишлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиш масалаларини мувофиқлаштириш, якуний ҳужжатларни умумлаштириш ва тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимовга юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 6 январь.

Ўзбекистон ХДП МК Котибиятида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг республика Олий Мажлиси еттинчи сессияси ҳужжатлари, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг ушбу сессияда ва дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда (1996 йил 27 декабрда) сўзлаган нутқлари мазмун-моҳиятини ўрганиб чиқиш ҳамда аҳоли ўртасида тарғиб қилишни уюштиришга доир вазифалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессияси, дейлади Котибиятнинг мазкур масалага доир қарорида, туб ислоҳотлар йўлидан қатъий бораётган мустақил мамлакатимиз янги тарихидан муносиб ўрин эгаллайди. Унда қабул қилинган қонун ва қарорларнинг Ватанимиз тараққиётининг нафақат ҳозирги босқичи, балки, узоқ муддатли истиқболларига ҳам хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов сессия ва республикамизда фаолият кўрсатаётган дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан 1996 йил 27 декабрдаги учрашувда сўзлаган нутқларида давлатимиз ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш йўлида ортда қолган йилдаги саъй-ҳаракатларнинг самарасини, иқтисодиётимизда, ҳақиқатан ҳам, туб бурилиш содир бўлаётганлигини ишончли далиллар билан кўрсатди, мавжуд камчилик ва муаммолар хусусида рўй-рост гапирди, мамлакатимиз барча фуқаролари диққатини 1997 йилнинг асосий вазифаларига қаратди.

МК Котибияти парламентимиз қабул қилган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсмен) тўғрисида»ги, «Адвокатура тўғрисида»ги, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Журналистнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва бошқа муҳим қонунлар Ўзбекистоннинг чиндан ҳам демократик ҳуқуқий давлат, инсонпарварлик, фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан қатъий бораётганлигидан далолат беришини таъкидлаб ўтди. Зеро, улар Ўзбекистон Конституциясининг инсон ҳуқуқи ва эркинликлари тўғрисидаги қоидаларини ҳаётга татбиқ этишнинг мурватларини яратиш ишига хизмат қилади. Жорий йилнинг мамлакатимизда инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши ҳам шу ўзанларда қўйилаётган жиддий қадамдир.

Котибият сессиянинг ташкилий-сиёсий жиҳатдан юксак даражада, ишчанлик, аҳиллик, ўзаро ишонч руҳида ўтишига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатлар фракцияси, унинг аъзолари муносиб улуш қўшганликларини қайд этди. Дарҳақиқат, кўпгина вакилларимиз парламент навбатдаги сессиясини тайёрлашда бевосита иштирок этиш билан бирга, унинг кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасида ҳам қатнашдилар. Чунончи, Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида биринчи ўқишда маъқулланган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, умумхалқ муҳокамасини уюштириш ва унинг парламент еттинчи сессиясида узилкесил қабул қилинишида партиямиз ташкилотлари, депутатлар фракцияси аъзолари катта фаоллик кўрсатдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти юқорида зикр этилганлардан келиб чиқиб, Олий Мажлис еттинчи сессиясида қабул қилинган янги қонунлар, шунингдек, юртбошимизнинг нутқларида баён этилган қоида ва вазифаларни яхши билиш, уларга тўлиқ риоя қилиш бутун жамият, жумладан, партиямиз фаолияти учун катта аҳамиятга эгадир, деган хулосага келди. Шу муносабат билан у Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларига еттинчи сессия ҳужжатлари, давлатимиз раҳбарининг мазкур анжуманда ҳамда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқлари мазмун-моҳиятини барча бошланғич партия ташкилотларида ўрганиб чиқишни уюштиришни тавсия этди. Айни пайтда, улар зиммасига ушбу ҳужжатлар аҳамиятини аҳоли турли табақалари ўртасида кенг тарғиб қилишда маҳаллий ҳокимият идоралари, корхона ва хўжаликлар маъмуриятлари, жамоат ташкилотларига фаол кўмаклашиш вазифаси ҳам юклатилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Бу ҳазил эмас

ЮРАГИ ЎНГ ТОМОНДА

Наманган туманидаги Қурама қишлоғилик Турсунбой Насриддинов мазаси қочиб, шифокорларга учраганда улар ҳайратдан ёқа ушладилар. Рентген текшируви натижалари бу йигитнинг юраги ўнг томондалигини кўрсатди.

Мўъжизани қарангки, Турсунбойнинг юраги ўнг томонда, жигари чапда, ошқозони батамом ўнг томонда экан. Ички органларнинг одатдагидан фарқли жойлашуви албатта туғма. Унинг айтишича, бу ҳолатни ўзи ҳам биринчи марта тўртинчи синфда ўқиётганида билган.

Ҳарбий хизмат бурчини ўтаб юрганида эса Турсунбойни москвалик профессорлар роса олти ой ўрганишган. Уларнинг хулосалари маълум эмас. Фақат шуни айтишганки, бундай ҳол миллион кишидан бирида учраши мумкин.

Турсунбой 34 ёшда. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор. Болалари соппа-соғ, ички органларининг жойлашуви ҳам одатдагидек.

Ҳайратланмай илож йўқ. Ишқилиб ўнг юракли ҳамюртимизнинг иши ҳамиша ўнгидан келаверсин.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЮРТДОШЛАРИМИЗ МИСРДА

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ДИПЛОМАТЛАР ҚОҲИРАДА МАЛАКА ОШИРМОҚДА

Миср Ташқи ишлар вазирлигига қарашли Дипломатия институтида асосан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларидан келган дипломатлар учун уюштирилган 4-ўқув машғулотлари ўз ишини бошлади.

Фан доктори Фаиз Бактошнинг таъкидлашича, бу машғулотларда МДҲдан ташқари Босния ва Албаниядан келган, жами 44 дипломат қатнашмоқда. Улар ўқув жараёнида халқаро ишлар ва протокол соҳасида ҳамда Миср ташқи сиёсатига оид маълумотлар билан танишадилар.

Дипломатия институти Миср Ташқи ишлар вазирлигига қарашли МДҲ давлатлари билан техник ҳамкорлик қилиш жамғармаси билан биргаликда ўтказаётган бу машғулотларнинг биринчи кунлариданоқ ўзбекистонлик дипломатлар сезиларли даражада фаоллик ва билимдонлик кўрсатмоқдалар.

ЖАМИЯТ РАВНАҚИ ЕТУК МУТАХАССИСЛАРГА БОҒЛИҚ



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг давлат ва жамият қурилиши факультети декани, тарих фанлари номзоди Фатхулла ЭРГАШЕВ билан суҳбат

Ислоҳот одимлари

— Домла, сиз хизмат қилаётган Академия катта нуфузга эга илм масканидир. Яъни, бу даргоҳ фаолият қамрови кенг, давр билан ҳамқадам, балки даврдан-да илгор даражада фикр юритадиган мутахассислар, юксак савияли кадрлар билим даражасини ошираётган зиё ўчоғи ҳисобланади. Шу боис, даставвал, Академия давлатимизнинг кадрлар сиёсатида нечоғлик ўрин тутиши хусусида сўзлаб берсангиз.

— Академия зиммасига мустақил республикамизнинг жаҳон андозаси талабларига жавоб берадиган раҳбар кадрларини тарбиялашдек юксак вазифа юкланган. Маълумки, мамлакатимиз раҳбариятининг изчил сиёсати, халқимизнинг фидойи меҳнати ва албатта, жойлардаги ишбилармон ва иқтидорли раҳбар кадрларнинг салоҳияти туфайли истиқлолнинг беш йиллик қисқа даври ичида катта ютуқларни қўлга киритдик. Энди, ислоҳотларимиз чуқурлашиб, ўзининг навбатдаги босқичига ўтди. Халқаро муносабатларимиз ҳам тобора кенгаймоқда. Шундай экан, раҳбар ходим бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, маънавий етук, тафаккур қамрови кенг, қарашлари теран, вазиятни чуқур англаб, таҳлил эта оладиган бўлиши зарур.

Хўш, етук раҳбар қандай фазилатларга эга бўлиши керак? Бу саволга юртбошимизнинг деярли барча нутқларидан жавоблар топиш мумкин. Хусусан, Президентимиз Бухоро вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида ҳам бу мавзуга атрофлича тўхталди. Нутқда таъкидлаганидек, маънавияти саёз, давр янгиликларини тарих тажрибалари билан таққослаб, ҳаётга жорий этиш қобилиятидан маҳрум раҳбар ишлайдиган соҳада ҳеч қандай ижобий натижалар сезилмайди. Гап келганда айтмоқчи эдимки, Академияда Президентимизнинг ҳар бир маърузаси чуқур таҳлил этилади. Тингловчиларимиз бундай таҳлилий сабоқлардан ўзлари учун муҳим хулосалар чиқараётганига аминман.

— Академиянинг халқаро алоқалари тўғрисида нималар дея оласиз?

— Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси академиклари қаторида, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германия, Италия, Франция, Туркия, Россия, Малайзия, Индонезия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлар элчихоналарининг раҳбарлари келиб, маъруза ўқишади. Бизнинг мақсадимиз дунё билан бўйлашиб бораётган она Ўзбекистонимизнинг раҳбар кадрлари онгига умумбашарий тараққиёт ютуқларининг туб моҳиятини сингдиришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1995 йилнинг 3 октябрида Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиш маросимида шундай деганлар: «Ўқув жараёнида тингловчиларнинг ривожланган хорижий мамлакатларда тўпланган ижобий тажрибаларни, хорижий тилларни ўрганишга, Ўзбекистоннинг тарихий мероси ва миллий анъаналари соҳасидаги билимларни эгаллашига эътибор қаратилади...»

Юртбошимизнинг ушбу фикрлари биз учун аниқ кўрсатма ва дастуриламалдир.

— Академия дарслари йўналиши, тингловчиларга нисбатан талабчанлик хусусида сўзлашсак...

— Бажонидил. Ўқув дастурлари жаҳон ўқув юртлари андозаларига мувофиқ ишлаб чиқилган, ривожланган мамлакатларнинг энг яхши таълим тизимлари тажрибасига асосланган. Анъанавий дарс шакллари билан бир қаторда фаол таҳсил усуллари: тренинглар, компьютер дастурлари бўйича сабоқлар ва тест топшириқлари беришни кенг қўллаяпмиз. Айниқса, тингловчиларнинг давлат ва жамият қурилиши, бозор иқтисодиёти асослари бўйича теран билим олишларига катта эътибор берилмоқда.

Шунингдек, тингловчиларга коммунистик-большевистик мафкура ақидаларига ва ўтмишни соҳталаштиришга асосланган эски тарихни эмас, аксинча, халқимизнинг асл ва холис тарихини ўрганиш масаласи Академия раҳбариятининг алоҳида диққат марказида турибди. Шу маънода, мамлакатимиз Президентининг Фармойиши бўйича Академиямиз қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази» фаолият бошлагани мақсадга мувофиқ бўлди. Ҳозирда бу Марказ халқимиз кечмишини холисона яратиш, Ватанимизнинг янги тарихини ўрганиш ва ёзиш, мамлакатимиз ҳаётида содир бўлаётган буюк ўзгаришлар ва унинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини халқимиз ва жаҳон аҳлига ҳаққоний далиллар асосида кўрсатиб бериш, хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида»ги қарорини бажариш борасида қизғин ишлаётир. Айни вақтда, Марказнинг етук мутахассислари-тарихнавислар, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар ва умуман, илмнинг турли соҳалари бўйича энг илғор дунёқарашга эга олимларнинг бевосита тингловчиларимизга таҳсил ҳам бераётганларини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугунги кунда замонавий илмларни пухта ўрганиш учун компьютерлар тизими муҳим аҳамият касб этади. Академияда тингловчилар савиясини тест натижалари асосида текшириш ва таҳлил этиш мақсадида турли хил дастур воситалари, факс-моделлар ишлатилмоқда. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг компьютерда якка тартибда ишлаши асосида амалга оширилмоқда. Сабоқ жараёнида хорижий тилларни тўлиқ ўрганиш асосий мақсад қилиб белгиланган. Чет тили кафедрасида илмий-услубий тадқиқот ва инглиз тилини ўрганиш дастурлари ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, тингловчиларнинг тил кўникмаларини такомиллаштириш мақсадида аудио ва видео матнларига мўлжалланган лаборатория ишлари олиб борилади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, билими ва савиясини юксалтиришни хоҳлаган ҳар бир тингловчининг таълим-тарбияси учун талабчанлик ҳам етарлича. Амалий машғулотлар назарий билим самарасидир. Шундай экан, академияда ҳар бир киши ўз устида бетиним ишлаши табиий.

— Академияда таҳсил муддати тугагач, тингловчилар таржимаи ҳолида ўзгаришлар, уларнинг сабоқ давригача бўлган дунёқарашларида сезиларли бурилишлар содир бўлишига ишонасизми?

— Назаримда, инсоннинг таржимаи ҳолида эмас, аввало онгида яхши томонга, юксаклик сари ўзгариш бўлгани муҳимроқдир. Яратганга шукрлар бўлсинким, мамлакатимиз кундан-кун ўз мавқеини тиклаб, барча жабҳаларда мустаҳкам ўринга эга бўлиб бораяпти. Халқимиз кўнглида келажакка умид чироғи ёниб, тинч ва осуда ҳаётимизнинг мазмун ва моҳиятини теранроқ англаяпти. Ана шу эзгу ўй ва туйғулар эшлиги боис ўтиш даври қийинчиликлари олдида юртдошларимиз эсанкираб қолишмаяпти. Бу эса истиқлол ва истиқболимиз учун жудажуда зарурдир.

Энди, гапнинг индаллосини айтсам, кимки, шу Ватан, шу халқ учун виждон амри билан меҳнат қилмас экан, бу тахлит кишилар менинг наздимда истиқлолимиз йўлида ғов, эски истибдод тузумини соғиниб қолган туралару буйруқбозлардек туюладилар.

Академияни тугатган ҳар бир кишининг савиясидаги ўзгариш, сиз айтганингиздек, уларнинг таржимаи ҳолига таъсир этиши табиий. Давр, Мустақиллик янгича фикрлайдиган раҳбарларни талаб этаяпти. Шу боис, Академия маъмурияти, профессор-ўқитувчиларимиз зиммасидаги масъулият ҳам чандон оғир, айни пайтда, беҳад шарафлидир.

Суҳбатдош:
Кўчқор НОРҚОБИЛ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Хусусийлаштириш ва савдо хизмати

ТАДБИРКОРНИНГ ТАЪБИРИ — ЭЗГУЛИК

Янгийўл шаҳрида тадбиркорликни ривожлантиришга ишбилармонлар астойдил бел боғлаганлар. Шулардан бири «Хоразм» фирмасининг фаолияти ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Фирманинг савдо маркази «Худойберган» номи билан аталади. Савдо маркази муҳташам уч қаватли бинода жойлашган. Биринчи қаватда қандолат цехи, ўнг томонда эса нон ишлаб чиқарувчи шаҳобча мавжуд. Унга ёндош супермаркет дўконининг файзиёблигидан кўнглингиз ёришади. Иккинчи қаватдаги ораста 300 ўринли ресторан ҳамда 70 ўринга мўлжалланган дастурхонлар атрофида тўй-маросимлар тез-тез ўтказилиб турилади.

Бу қаватдаги салқин ичимликлар билан савдо қилиш бўлимидан ўзбекона яхна ичимликлардан тортиб хорижда ишлаб чиқарилган ичимликларнинг турли хилларидан топишингиз мумкин. Учинчи қаватда эса ёшлар учун мўлжалланган музқаймоқ, гриль-бар, 700 ўринли тўй-маросимларга мўлжалланган ёзги зал жойлашган. Бугунги кунда фирманинг «Нозима» ва «Ёшлик» тижорат дўконлари ҳам аҳолига намунали хизмат кўрсатяпти. «Нозима» фирмасида лаборатория кўригидан ўтган сифатли қўзиқоринлар сотувга қўйилганлигини ва у харидоргир эканлигининг гувоҳи бўлдик.

Дарҳақиқат, харидорлар фирма жамоаси ва унинг раҳбари Худойберган Раҳимовнинг хайрли ишларидан миннатдор. Фирма ғўшт маҳсулотлари билан тўла. Ўзўзини таъминлаш мақсадида Янгийўл туманининг «Озод» жамоа хўжалигида 1,5 гектарлик ёрдамчи хўжалик ташкил этди. Шунингдек, колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ва қўзиқорин етиштириш цехи ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Фирма жамоасида 100 нафар киши ишлайди. Чунончи, Шуҳрат Раҳимов отасининг энг ишончли ёрдамчиси бўлса, ўғли Фарҳод — қўзиқорин етиштириш ишини яхши ўзлаштирган, қизлари — Саодат, Санобар, Гулноралар — сотувчи. Раҳимовлар хонадони аъзоларининг нияти битта ва эзгу. «Элга хизмат-олий ҳиммат».

Бинобарин, фирма жамоаси «Ниятимиз йўлдош бўлса ҳали кўп хайрли ва савоб ишларга йўл очмоқчимиз», дейишмоқда. Фирма янги йилда Италия билан музқаймоқ ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга шартномалар имзолади. Бундан икки томонлама фойдали савдо-сотиқ ва тажрибали малакалар алмашинуви кўзда тутилган.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хатларда ҳаёт акси

НА ШАҲАРМИЗ, НА ҚИШЛОҚ

Бизлар 1979 йилда Қамаши шаҳар таркибига кирган эдик. Шу боис 17 йилдан буён «бизлар шаҳарда яшаймиз» деб гердайиб юрибмиз. Шаҳарда яшасак-да, ҳанузгача маҳалламизнинг тенг ярми — 200 хонадон тоза ичимлик сув ва табиий газдан баҳраманд бўлолмаяпти. Биз бу ҳақда вилоят ҳокими, Қамаши туман ҳокимига бир неча марта арз қилдик. Афсуски қуюқ ваъдалар берилиб, ваъда ваъдалигича қолиб кетмоқда.

Энди бизнинг сабр-бардошимиз тугади. Ахир токайгача Оллоҳ бандаларига инъом этган сувни ҳам сотиб оламиз? Қачонгача тезак, қий ёқамиз? Надоматлар бўлсинки, қуруқ тезак ва қийнинг ҳам ўзи ёнмас экан...

Қамаши шаҳридаги Манғит маҳалласи аҳли номидан
Ҳазратқул ҚУДРАТОВ.

КИЙМАСДАН ТАЪМИРЛАШГА ШОШИЛАСАН...

Ўтган ойда қизимизга, невараларимизга оёқ кийим излаб бормаган магазинимиз қолмади. Бироқ тополмадик. Қайси дўконга кирсак: — Опа, яхшиси бозорга боринг, яхшими-ёмонми бозордан топиб оласиз, — дейишди.

Маслаҳат тўғри-я. Бироқ бозорда пойабзал сотаётган бир кишидан қизимизга этик, неварамизга ботинка сотиб олган эдик. Бир ҳафта киймасдан пошнаси синди. Таги картон қоғоз экан. Таъмирлаш учун устахонага бордик. Уста бизда елим, чарм, мих йўқ. Бошқа усталарга бориб кўринг, деди. Иккинчи устахонага борсак, у ҳам оёқ кийимларни таъмирлаш учун материаллар йўқлигини айтди.

Бозорларда сотаётган оёқ кийимларнинг на ёрлиғи, на ёзуви бор? Қаерда ишлаб чиқарилган, қайси фабрикада, қайси ҳиссадорлик жамиятида тикилганини билолмайсиз. Ноилож сотиб олишга мажбурсиз. Бозорда сотилаётган молларнинг сифатига ким эътибор беради? Ким назорат қилади? Ахир бозорларда товламачи тижоратчилар, савдогарлар барчамизни алдаб, қўлдан кетгунча қабилида ҳаракат қилаверса охир-оқибат нима бўлади?! Бозорларга қанча эркинлик берилса-да сотаётган буюмларнинг сифати эътибордан четда қолмаслиги керак. Чунки ҳозир бозорда савдо қилаётганларнинг кўпчилиги халқ манфаати учун эмас, ўзларининг шахсий манфаатини устун қўйиб ишламоқдалар. Улар поклик, ҳалоллик ҳақида қайғурмаяптилар. Бизнингча, республикадаги мутасадди ташкилотлар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришса, тегишли хулосалар чиқариб, бозорларда сотилаётган молларнинг сифатини кўздан ўтказганларида эди, кимларнинг қандай мол келтириб сотаётгани, кимлар қандай маҳсулотлар ишлаб чиқараётганлиги аниқ-равшан бўларди қўярди.

Майрам МАШРАПОВА,
Ойша ДЎСТЖОНОВА,
Нукус шаҳри.

ГУМДОН БЎЛГАН ЖАЙРОНЛАР

Таллимаржон худуди қадимда жайронлар, оҳулар, кийиклар макони бўлган. Шу боисдан Таллимаржон сув омбори ёнидаги 154-темир йўл разъезди «Жайрон» деб номланади. «Буюк ипак йўли» Таллимаржон ҳудудидан ўтган. Карвонлар шу маскандан ўтаётганларида тўда-тўда жайронлару, оҳулар, кийикларни кўриб завқланиб томоша қилишган. Овчилар уларни овлашган.

1964 йилда Таллимаржон сув омбори қурила бошланди. 1972 йил Қарши чўлидан 100 чақирим узоқликдаги Амударё суви насослар орқали шарқиратиб оқизилди. Сунъий денгиз сув билан лиммо-лим тўлди. Чўлда қатор хўжаликлару боғроғлар барпо бўлди-ю кийик, оҳу ва жайронлар бу масканни тарк этдилар.

1972 йилда Таллимаржон шаҳри яқинидаги чорраҳада битта кийик ҳайкали, эски Таллимаржон ДАН постида иккита жайрон ҳайкали ўрнатилди. Бу обидалар ўтмишдан акс-садо бериб турар эди. Аммо яқинда кийик ва жайрон ҳайкаллари гумдон бўлиб қолди.

Буни қарангки, йўқолган ўша жайрон ҳайкалларини яқинда Нишон тумани ДАН постида кўриб қолдим. У ерга олиб боришдан мақсад нима? Ҳайкаллар ўз жойларида тураверса бўлмасмиди?

Жўра ҒОЙИБОВ.

(«Хатларда ҳаёт акси» рукни материалларини Норбобо ШАКАРОВ тайёрлади).

Миллий иш майдони

РАҚОБАТ ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТАДИ

Турмушимизни транспорт воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, йўловчи ташиш транспортлари, яъни автобуслар хизматини кўнгилдагидек йўлга қўйиш, аҳолининг ундан самарали фойдаланишига эришиш муҳим масалалардан биридир. Чунончи, бу ишлар вилоятлардаги йўловчи ташиш корхоналарида қандай йўлга қўйилган? Мухбиримиз «Навоийтранс» бош директори Евгений Кобачков билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Шуни айтиш жоизки, ишлаб чиқариш ва саноат кенг ривожланаётган Навоий вилоятида автотранспорт хизматини яхши йўлга қўймай туриб, самарага эришиб бўлмайди, — дейди Евгений Кобачков. — Бугунги кунга келиб барча корхоналарнинг ҳамда аҳолининг транспорт воситаларига эҳтиёжи ортиб бормоқда. Бу эса бизнинг зиммамиздаги масъулиятни оширяпти.

Албатта, шу кунгача баъзи камчиликлар ҳам йўқ эмаслиги аниқланди. Чунончи, сўнгги текширишлар давомида чипталарнинг етишмаслиги, маршрутларни белгилашда йўловчилар оқимини ҳисобга олмаслик ҳоллари маълум бўлдики, бунга йўл қўйган раҳбарларга нисбатан чора кўрилди. Биз собиқ раҳбарлар йўл қўйган камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб, келажакда аҳолига транспорт хизматини кўрсатишни намунали поғонага келтириш учун аниқ режа асосида ишлаяпмиз. Чунончи, ҳозирда биргина Навоий шаҳрининг ўзида 6 йўналиш бўйича қатнайдиган автобусларнинг ҳаммаси техник кўрикдан ўтказилди. Бундан ташқари, вилоят ҳудудидаги Нурота, Қизилтепа, Кармана шаҳарлари йўналишига автобус қатнови яхшиланяпти.

Бугунги кунда автокорхоналаримиз учун янги автотранспорт воситаларини сотиб олишга катта аҳамият бераяпмиз. Асака автомобиль заводидан «Дамас» русумли енгил автомашиналар келтирилди. Бундан шаҳримиз аҳолиси миннатдор. Келажакда бу турдаги автомашиналар сонини янада кўпайтириш ниятимиз бор.

— Иш самарадорлигини ошириш «Навоийтранс» фаолиятида соғлом рақобатни вужудга келтириш йўлида нималар қилиняпти?

— Корхона хизматчиларининг талаб ва таклифидан келиб чиққан ҳолда моддий барқарорлик ва манфаатдорликни ошириш учун ҳиссадорлик жамияти ходимлари сонини эллик фоизга қисқартиришга қарор қилдик. Энди раҳбарлар сони кескин қисқаради. Бундан ташқари мавжуд техника воситаларидан унумли фойдаланиш мақсадида автокорхоналар ҳисобидаги транспортларни қисқартириб, уларни аҳоли хизмати учун йўналишларга жалб қиляпмиз.

Олдимизда турган муҳим масалалардан бири бу — бугунги кунда танқис бўлиб турган автобусларда чипта тарқатувчиларни кўпайтириш. Бунинг учун ушбу касб эгаларини моддий рағбатлантириш керак бўлади. Бугунги кунда тараққиётни рақобатсиз тасаввур қилиш қийин. Бу борада «Навоийтранс»да ҳам ўзгаришлар қилиняпти. Бир мисол келтирай: Навоий шаҳри марказидаги саноат корхоналари ишчиларининг кўпчилиги туташ Карманадан қатнаб ишлайди. Аммо шунга қарамай шу кунга қадар шароитни тўла ўрганмай туриб иш тутилгани натижасида 1,14 «Тез юрар» автобусларда йўловчилардан 6 сўм ўрнига 10-13 сўмдан йўл ҳақи олинган. Биз эса шаҳар автотранспортига (таксидан ташқари) ягона тарифда 6 сўм миқдорида йўлкира белгиладик. Албатта, бунинг натижасида йўловчилар миқдори сезиларли даражада кўпайди. Тушум ҳам ошди. Буни «Нарпай-Янгибозор» йўналишида ҳам кўриш мумкин. Бироқ, менинг назаримда, асосий ютуғимиз, бу — одамлар қалбига йўл топа олганимиз, уларга заррача бўлса-да холис хизмат қилишга эришганимиздир. Халқимизда, беқарорлик эмас, барқарорлик енгади, деган нақл бор. Биз шунга амал қилишга интиляпмиз.

Суҳбатдош: Улуғбек ҚОЗОҚОВ.

Наманганда ҳунармандлар сони кўпайиб бормоқда. Шамсиддин Абдуллаев билан Насимжон Алиев ҳам шу касб туфайли обрў-эътибор қозонишмоқда.
Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ҚОРА ДОРИ ҚУРБОНЛАРИ

Сирдарё вилояти ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамкорликда тезкор ҳаракат қилиб, наркотик моддаларни тарқатиш билан шуғулланаётган катта уюшган жиноятчилар гуруҳини қўлга олди. Уларнинг ҳаракат майдони икки қўшни республика, яъни Тожикистон ва Ўзбекистон ҳамда икки вилоят Сирдарё ҳамда Тошкент вилоятларини қамраб олган эди. Гуруҳ сафи ҳам каттагина деярли 14 кишидан иборат. Табиийки, уларнинг «сармоялари» ҳам салмоқли, яъни 4 килограмм қора дори билан қўлга олинганлар. Кўриниб турибдики, уларнинг жамиятимизга, у орқали кишиларимизга етказаётган ахлоқий ва иқтисодий зарарлари оқибатлари ҳам салмоқли бўлиши мумкинлигини сезиб олиш қийин эмас.

Сирдарё вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Норбой БОБОЕВдан шу жиноий гуруҳ ишининг тафсилотлари ҳақида гапириб беришни сўрадик.

— Бундай қараганда ҳамма нарса оддий ва жўн бошланаётгандай. Умидахон Усмонова деган қиз Гулистон шаҳрининг шундоққина ёнида жойлашган собиқ «Октябрь», ҳозирда эса «Дўстлик» деб аталувчи қўрғонга холасиникига тўйга келади. Меҳмон Тожикистон Республикасининг Қўрғонтепа шаҳридан эди. Қизнинг ёнида онаси Ҳафиза Усмонова ҳам бор эди. Ҳафизанинг опаси, яъни Умидахоннинг холаси ўғлини уйлантирмоқда эди. Кўриб турибсизки, қариндошлар бир-бирларининкига, гарчи масофа олис бўлса-да, меҳр-оқибат қилиб тўйга келишмоқда.

Лекин «меҳрибон» қариндошлар тўйга бир кун кечикиб келишади. Чунки уларнинг мақсадлари бошқа, яъни Умида Усмонова қўлтиғи остига қисиб олган бир кило кўкнори ширасини пуллаши лозим эди.

«Меҳмон»ларнинг бу сафар омадлари чопади. Бу ерда уларни Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигига олиб боришади. Маълум бўлишича, Умидахон Усмонованинг у ерда ҳам қариндошлари бор экан. Ўшалар ёрдамида тезда дангалчи мижоз ҳам топила қолади. Дилшод Бахиев Тожикистондан келган қизнинг қўлидаги бир килолик қорадорига нақд 1200 АҚШ долларини санаб беради.

Албатта ишнинг бундай осон кўчганидан Умидахон ўзида йўқ хурсанд эди. У холасининг уйига қайтиб келади ва онасини бу ерда қолдириб, тезлик билан яна ўз уйи — Қўрғонтепа шаҳрига жўнайди ҳамда у ердаги эски ҳамтовоқларини топади. Бу сафар энди у дадилроқ ишга қўл уради ҳамда ўша қорадорифурушлардан нақд уч килограммини сотиб олади.

Лекин қора дори «маликаси»нинг бу сафар ҳадеганда ишлари юришавермади. Дастлаб у вақтни қўлдан бермай яна ўша Тошкент вилоятидаги сахий мижоз олдига ошиқади. Лекин уни топа олмайдилар. Умидахон Усмонова такси йўлкираларини ҳам писанд қилмай бир неча бор уни қидириб боради. Охири дангалчи шеригини топишга кўзи етмагач, олиб келган «сармояси»ни шу ерда, яъни Гулистон шаҳри ҳудудида пуллаш йўлини излайди. Яхши ҳомийлар топилади ҳам, фақат қора дорининг миқдори кўп бўлгани учун зарур бўлган пулларни тезда жамлаб олиши қийин бўлади. Унинг мижозлари «бугун бераман, эрта бераман» қабилидаги баҳоналар билан контрабанда бошлиғини узоқ тўхтаб қолишига сабабчи бўладилар. Бу орада жиноятчи гуруҳ атрофида халқа ҳам қисилиб келмоқда эди. Уларнинг назарида ишлари эндигина «ана битди, мана битди» деб туришганида милиция ходимлари томонидан қўлларига кишан солинганлигини ўзлари ҳам сезмай қоладилар...

— Мазкур иш юзасидан сиз оддий бир инсон сифатида қандай хулосаларга бордингиз? — деб сураймиз Норбой Михлиевичдан.

— Умидахон Усмонова эндигина 22 баҳорни қаршилаётган, ҳали турмуш ҳам қурмаган қиз, — дейди суҳбатдошимиз сўзини давом эттириб. — Беихтиёр ўйланиб қоласан киши: наҳотки унинг дунёга келиб кўз очиб, ҳаётни таний бошлаганидан сўнг биринчи қилган хулосаси — катта жиноятчиликда манфаат кўришдан иборат бўлган бўлса? Ахир бу даврда ёшларимиз севадилар, севиладилар, келинчак седа яна бир мисолни тилга олиб ўтмай иложинг йўқ. Наркотик моддалар сотишдан кун кўриш, катта бойлик орттириш йўлига тушиб олган Анифе Ғайбуллаева ҳам шу гуруҳнинг фаолларидан бири эди. Тинтув пайтида унинг уйидан бир маротаба фойдаланиладиган шприцлар ҳамда қатор бошқа ашёвий далилларнинг топилиши — унинг бу борада анчагина тажриба эгаси эканидан далолатдир. Ёши 47 га борган аёл, яъни она бу қора ишларга 19 ёшли қизи Наргиза Ғайбуллаевани ҳам аралаштириб юргани ҳамда қизини ҳам жиноятчига айлантиргани ачинарли ҳол эмасми? Наҳотки баъзи аёлларимизда оналик туйғуси ҳам тўмтоқлашиб, фарзандларига бахт ўрнига бахтсизлик, қора қисмат ҳозирлаётган кимсаларга айланаётган бўлсалар? Зеро, қора дори, наркотик домига тушганлар қисматини ўзгача тасаввур қилиш ҳам қийин.

Юқорида биз асосан аёллар ҳақида гапирдик. Энди уларнинг елиб-югуриб хизматларини қилиб юрган, гаҳ деса қўлига қўнадиган эркаклар ҳам борки, рости, уларнинг инсоний гурури, эркакларга хос вазминлик ва узоқни кўра билишлик, қора ишларнинг оқибатлари қандай бўлишини чуқур идрок эта олишлик ҳислатлари қаерда қолди, дегинг келади. Шундайлардан бири — Каримберди Жўраевдир. У уч нафар вояга етмаган фарзанд отаси, оила бошлиғи. Мирзаобод туман ветеринария бўлимида ишлайди. Илгари бир бор жиноятчи курсисига ўтириб чиққан Каримберди Жўраев ўз вақтида қилмишларидан хулоса чиқариб олмаган эканки, яна шу йўлга кирибди. У онабола Умида ва Ҳафиза Усмоноваларнинг елиб-югуриб хизматларини қилади, улар иши учун шахсий транспорти, уй-жойи, вақтини аямайди. Охири улар билан бирга қорадори домига тортилади. Жиноятчи гуруҳ аъзоларининг деярли ҳар бири ҳақида ҳам шу сингари мулоҳазалар билдириш мумкин. Лекин энг муҳими — бу хулосаларни уларнинг ўзлари ҳақида — ўзлари чиқарганларида дуруст эди. Қилмиш-қидирмиш, деган халқимиз. Энди тожикистонлик қорадори «маликаси» Умидахон Усмонова тузоғига илиниб, у орқали катта бойлик орттиришга уринган 14 кишилик жиноятчи гуруҳнинг қора қисматлари шу йўлга киришни ўйлаётганларга сабоқ бўлишини хоҳлар эдик.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЧУВАЛЧАНГ ВА БИОГУМУС – БЕБАҲО БИР ТАШАББУС

«Ўзбекистон овози» таклиф қилади

«Ишонасизми, Ўзбекистон заминини яқин йиллар ичида ярим метр қалинликда ширин-шакар мева билан тўлдириб юбориш мумкин». Дафъатан айтилган бу сўзларни эшитганда, очиғи, менда бу одам ҳақида ғалатироқ таассурот пайдо бўлди. Устозларимдан бирининг «Ҳар бир гапга шубҳа билан қара, тўғрилигига ич-ичингдан ишонгандан сўнггина қоғозга тушир» деган ўгити ёдимга тушди.

Ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Эртакнамо хаёллар кимнинг ҳам миясига келмайди, дейсиз. Лекин Файзулла Ғаниев кўплаб далилу асослар келтириб, мени ишонтирди. Бу одамдаги шижоат, мақсад йўлидаги интилиш, чинакам куйиб-ёниш сизни ҳам маҳлиё қилишига ишонаман. Қаранг, ичимизда шундай жонкуяр одамлар бору биз кўпинча сезмай ўтамиз.

«Буюк хаёлпараст»нинг ҳаёт йўли ҳам ўзгача. Қашқадарёнинг Шаҳрисабз туманида туғилган Файзулла Ғаниев маълумотига кўра педагог ва юрист. Ички ишлар соҳасида хизмат қилган. Халқ таълими соҳасида ишлаганида Қашқадарё вилояти мактабларини таъминлаш ишқида «Кўргазмали қурол» ширкатини тузди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган дамларда оддий бир тасодиф билан унинг ишқи Калифорния чувалчангига тушиб қолди.

Файласуфлар ҳар қандай тасодифнинг замирида зарурат ётади дейишади. Шу маънода бой ҳаётий тажриба соҳиби бўлган одамнинг бу соҳага қизиқиб қолишини ҳам тасодифга йўймаса бўлади.

— Биласизми, бизда бевосита моддий неъмат яратишга иштиёқмандлар кам, — дейди у қуйиб-пишиб. — Ўқишни битирдими, дарров иссиқ кабинету катта портфелни кўзлаб қолишади. Ҳамма амалдор бўлиб кетаверса, подани ким боқади? Моддий бойликни кўпайтираман деб қўлимга кетмон олишим ҳам мумкин. Лекин Оллоҳ бизга тафаккур учун онг берган, сал ҳаракат қилишимиз керак-ку?!

У шундай ўй-хаёллар билан Қашқадарё ерлари унумдорлигини ошириш, атроф-муҳитни мусаффо сақлаш ишига ҳисса қўшишни кўнглига тугиб ишга киришди. Андижонга бориб («Шуҳрат» агрофирмаси директори Эрматжон Тўрахоновдан) 1 миллион дона чувалчангни «КаМАЗ» машинасига юклаб «Ўзбекистон» жамоа хўжалигига туширди. Хўжалик раҳбари Азамат Боймуродовнинг қўллаб-қувватлаши натижасида шу эзгу ишга киришди.

Чувалчангнинг хизмати ҳақида: бу жониворнинг хили турлича бўлиб, ўзимиздагиси тупроқ ейди ва бўлиниб кетади. Калифорния чувалчанги нури (гўнг) истеъмол қилиб, мошдек тухум қўяди. Ҳар дона тухумдан 15—17 тагача чувалчанг пайдо бўлади. Маълумки, чорва моллари гўнги янги ҳолатда далага солинса, бегона ўт ва зарарли ҳашаротлар кўпаяди. Бунинг учун уни йиллар мобайнида чиритишга тўғри келади. Агар Калифорния чувалчанги бу йилги нурига солинса ниҳоятда қисқа муддатда тўлиқ «ишлов»дан ўтиб, кўринишидан ҳинд чойига ўхшаш майин биогумус пайдо бўлади. Ундан фақат тупроқ ҳиди келади.

— Хўш, ундан кейин нима бўлди? — сўраймиз суҳбатдошимиздан.

— Икки-уч ой ичида бир миллион чувалчанг 25 миллиондан ошиб кетди. Масаланинг моҳиятини тушунган бошқа хўжалик раҳбарлари илтимос қилиб ўзларига чувалчанг олиб кетишди. Биз фақат афзалликни англаганлари учун уларга чувалчангни текинга бериб юбордик. Келгуси йили географиямиз янада кенгайди. Шаҳрисабз туманидан Амир Темур номли, Ғузордан Охунбобоев номли, «Навбаҳор», Касби туманидан Ш. Рашидов номли, Денов туманидаги Ш. Рашидов номли ва Н. Қобилов номли хўжаликлар, Жондор туманидаги Шаҳри Ислом ҳиссадорлик жамияти ва яна кўплаб хўжаликлар ўзларида тайёрланган биогумус туфайли юқори ҳосил етиштирдилар.

Оддий арифметика: ўртача бир хўжалик йилига 35—40 миллион сўм атрофида даромад қилади. Унинг 10—15 миллион сўми кимёвий ўғитларга сарфланади. Агар хўжаликнинг чорва фермаси ва хонадонларда молхоналардан ўртача 14 минг тонна нури чиқса (уни сотиб олишга ҳожат йўқ), чувалчанг қўйилганидан олинган биогумуснинг килоси бир сўмдан бўлса ҳам 14 миллион сўм нақд фойда ёнга қоляпти. Шунча биогумус 3,5 минг гектар ерга етади.

Биогумус ва кимёвий ўғитнинг тупроққа таъсири қандай бўлишини қиёслаб кўрайлик-чи.

Кимёвий ўғит	Биогумус
ерда 66 фоиз шўр қолдиради. Тупроқ маъданли моддага "нашаванд" бўлиб қолади.	*беш йилгача ерга озиқ беради. Атроф муҳит заҳарли моддалардан холи бўлади.*

— Биогумус келтирган самара ҳақида аниқ мисоллар айта оласизми?

— Истаганча мисол келтириш мумкин. Шаҳрисабз туманидаги Болта Фозилов номли жамоа хўжалигида гектаридан 45 тоннадан помидор ҳосили олинди. Кейинги йилларда кўп жойларда помидор палаги ўлиб қоляпти. Биогумус тўйдирилган далаларда бу экин совуқ ургунча ғуж-ғуж ҳосил бермоқда. Денов туманидаги Ш.Рашидов номли жамоа хўжалигининг Файзулла Маматқулов бошлиқ бригадаси даласида шўр ерга қовун экилганди. Биогумус сепилгани туфайли бир туп палакда 24 дона қовун саналганига «Сурхон тонги» газетаси журналистлари гувоҳ бўлишди.

Барибир кўнглимиздаги шубҳани яширолмадик:

— Тажрибангиз ҳамма жойда ҳам бирдай юқори натижа бермагандир?

— Ҳа, тайёр чувалчангни ўлдириб қўйганлар ҳам бўлди. Қарши туманидаги хўжаликлардан бирида ўрага жониворнинг емиши — гўнгни етказиб келолмаганликлари учун чувалчанг очликдан нобуд бўлган. Яна бир жойда сувни вақтида сепмаганлиги учун ҳаракатлар зое кетган. Менинг шу гапим барчанинг ёдида бўлсин:

Бир хўжаликда шу ишга фақат битта одам ажратилса бас — бундан бошқа харажат йўқ! Сотиб олинган чувалчангни 2-3 ойда кўпайтириб яна сотиш мумкин.

— Беш йилдан буён шу ишга киришибсиз, кўп хўжалик раҳбарлари билан муносабатда бўлгансиз. Айтингчи, нега нафи яққол кўриниб турган ишга ҳамма бирдай ёпишмайди?

— Мени кечаю кундуз қийнаб келаётган саволни бердингиз. Баъзи раҳбарларга таклиф билан бориб, устимдан кулганларининг гувоҳи бўлдим. Айтайлик, бир ҳосилот шу ишга қизиқиб, раисга фикрини айтди. «Э қўй, ўша чувалчангингни, яна бир йил - ярим йил ишлаймизми-йўқми» деган раҳбарларни кўрдим. Эртанги кунга бутун вужуди билан ишониб ишламаётган амалдорларни мустақиллигимиз душманлари деб ҳисоблайман.

— Хўш, хозир қандай хизмат турини тавсия этасиз?

— Ҳафсаласи бор одамларга исталганча чувалчанг тавсия этишимиз мумкин. Улар биздан олиб, кейинчалик кўпайтириб сотиш имкониятига эга бўладилар. Тайёр биогумус керак бўлса, бажонидил етказиб берамиз.

— Масалан, Тошкент вилоятидаги хўжаликлар сизга мижоз бўлиш истагини билдирса, Қашқадарёдан чувалчанг ёки биогумус келтирилади-ми?

— Йўқ. Бизнинг турли минтақаларда (жумладан Тошкент вилоятида ҳам) ўз хўжаликларимиз бор.

Маълум бўлишича, ҳозирги пайтда Россия томонлардан вагонлаб биогумус олиб кетиш ҳаракатида юрганлар бор экан. Хитойликлар эса шу чувалчангнинг изига тушганлар. Биз кўз олдимизда шундай хазинага лоқайд қарашимиз мумкинми? Газета мамлакатимиз бўйлаб кенг тарқалишини ҳисобга олиб, бу эзгу ишга «Ўзбекистон овози» ҳам ўз ҳиссасини қўшишга аҳд қилди.

Хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари! Юқоридаги мавзу сизни қизиқтирса, марҳамат, таҳририятимизга қўнғироқ қилинг: 33-06-83 телефон рақамлари орқали барча саволларингизга жавоб оласиз.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

Ушбу мақола саҳифаланаётган дамларда шундай хабар келди: Тошкент Давлат аграр университети ўқув хўжалигида 6 миллионта чувалчангни кўпайтира бошлашибди. Ҳа, зар қадрини заргар билади-да!

Ҳурматли газетхон!
Чувалчанг ва биогумус эҳтимол сиз истиқомат қилаётган хўжалик учун зарурдир. Газетанинг ушбу сонини мутасадди кишиларга кўрсатинг.

Чаппа айланган гардиш

СОЧИ УЧИ ҚЎНҒИРОҚ

Германия. Магдебурглик эндигина 22 баҳорни қаршилаган лобар қизнинг ҳуснига путур етди. Бербель Рауш янги русумда ишланган электр тароқнинг «эксперимент» учун тайёрланганидан сотиб олди. Янги электр тароқда сочини турмаклай бошлади. Кутилмаганда фалокат содир бўлди. Электр тароққа ўралган сочи пов этиб аланга олди. Қиз шўрлик аранг электр тароқни тоқдан суғуришга улгурди. Йўқса, қизни ток уриши мумкин эди.

Электр тароқ ихтирочиси Клаус Виртенштайн эса «янгилиги» учун судда жавоб беришига тўғри келяпти. Бербель Рауш ихтирочидан «йўқотган сочлари» учун 250 минг доллар компенсация талаб этмоқда. Бу пуллар эвазига мижоз «янги сочга» эга бўлмасада, «ихтирочи»нинг шундай жазо олишини талаб қилиб қўплаб немис аёллари судда қатнашишди.

ТЕПАКАЛЛИКНИНГ ДАВОСИ

Мексика. Оахакалик кўплаб эркаклар соч тўкилишига қарши тайёрланган янги сурма дорига катта умид боғлашувди. Юзлаб тепакаллар дорини бошларига суриб... натижасидан уларнинг ўзлари тугул бошқалар ҳам ваҳимага тушишди. Улар ғирт кал бўп қолишганди-да.

Доктор Луис Матезанга «тепакаллик давоси»ни Теуантепек қўлтиғидаги балчиқдан тайёрлаган эди. Мутахассисларнинг айтишича, даво доридаги балчиқ сал «ошиб» кетганмиш.

Полиция эса доктор Матезангани қидиряпти. Чунки доктор мижозларидан шикоят тушган заҳотиёқ шаҳардан қаёққадир ғойиб бўлганди. Тепакаллар, йўғ-э, ғирт каллар эса аламдан қолган «соч»ларини юлишдан нарига ўтишолмай қолаверишди.

Ҳамкорлик қирралари

ГЕРМАНИЯДА ГАЗЕТА ЎҚИШАДИМИ?

Матбуотни тўртинчи ҳокимият даражасига чиқаришнинг муҳим омилларидан бири ривожланган мамлакатлар журналистлари тажрибасини ўрганишдир. Шу жиҳатдан Конрад Аденауэр номидаги фонд ташаббуси билан ўзбекистонлик бир гуруҳ журналистлар Германия матбуотининг бугунги ҳаёти билан танишиб келганлари эътиборга лойиқдир. Ана шу сафар иштирокчиси Тошпўлат Раҳматуллаевнинг қуйидаги мақоласи Германия матбуоти ҳақида ҳикоя қилади.

МАТБУОТ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ

Германия газета ва журналлари, радио ҳамда телевидение дастурлари сонининг кўплиги ва уларнинг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Сўнгги маълумотлар бўйича мамлакатда 386 та кундалик, 31 та ҳафталик ва 6 та якшанба кунлари чиқадиган газеталар нашр этилган. Уларнинг умумий тиражи 33,2 миллион нусхадан иборат бўлиб, ҳар минг кишига 328 нусхани ташкил этган.

Германия Конституциясида ҳар бир шахс ўз фикрини айта олиш ва тарқатиш, имкон даражасидаги манбалардан бемалол ахборот олиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда матбуот эркинлиги кафолатланиши ёзиб қўйилган.

Оммавий ахборот воситалари демократик шароитда ўз фаолиятини амалга ошириш учун ўз вақтида керакли маълумотни олиши лозим. Германияда федерал, ер ва маҳаллий маҳкамалар ҳузурида матбуот бюролари мавжуд. Маҳкамаларнинг журналистларга маълумот беришлари лозимлиги қонунлаштирилган. Маълумот беришдан бош тортган ёки нотўғри маълумот берилганда, газета етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

Матбуот фақат расмий манбалардан олинган маълумотлар асосида ишлаганда ўз вазифасини жуда тор доирада амалга оширган бўларди, деб таъкидлашади немис журналистлари. Алоҳида шахслар эса турли хилдаги гап-сўзлардан қочиб, матбуотга маълумот беришдан бош тортишади. Шу сабабли журналист судда кимдан маълумот олганлигини кўрсатмаслиги мумкин. Журналист судга гувоҳлик бермаслик ҳуқуқига эга.

Оммавий ахборот воситалари қандай материални эълон қилишни ўзлари белгилайди. Улар ҳукумат фаолиятини ёритишади ва шарҳлайди. Ҳукумат тарқатилаётган материалларнинг шаклига ё мазмунига таъсир ўтказолмайди.

Ҳукумат ўз нуқтаи назари ўзи хоҳлаган тарзда баён қилинишини истаса, бошқа тижорат корхонаси ёки хусусий шахс каби ўз маълумотининг нашр этилиши учун ҳақ тўлайди.

Аммо Германиядаги матбуот эркинлигини бир томонлама тушунмаслик лозим. Матбуот давлат манфаатларига зарар етказадиган маълумотларни тарқатмаслик билан бир қаторда, алоҳида шахсни ҳимоя қилиши ва шахсий ҳаётга аралашмаслик лозимлигини ҳисобга олиши зарур. Ҳар бир одамнинг шахсий ҳаётига, шахснинг ўзи бу ҳақда индамаганига қадар оммавий ахборот воситаларининг аралашувига йўл қўйилмайди.

Журналистларни бирор бир суҳбатга таклиф этиб, суҳбат мазмунини матбуот орқали тарқатиш мақсадга мувофиқ эмаслиги таъкидланса, бу таклиф албатта инобатга олинади.

Биз, ўзбекистонлик журналистлар билан бўлган учрашувда, «Озод Берлин» радиостанциясини етакчи муҳаррири Томас Хатихт оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрнига алоҳида тўхталди. Матбуот ва телевидение орқали ҳа деб зўрликни кўрсатиш, деди у, жамиятда зўрлик ишлатиш кўпайишига олиб келади. Масалан, Германия бирлашувининг салбий оқибатлари ҳақида 20 та сюжет берилса, унинг ижобий оқибатлари ҳақида ҳам 20 та сюжет берилади. Бунда ахборотнинг оммавий фикрни шакллантиришдаги аҳамияти ҳисобга олинади.

АСОСИЙ МАНБА — РЕКЛАМА

Германияда хусусий матбуот икки хил характерга эга: бир томондан, у фойда олишга йўналтирилган. Фойда эса реклама ҳисобидан олинади. Лейпциглик иқтисодчилардан бири 1915 йилдаёқ газета эълон учун товар сифатида жой ишлаб чиқарадиган корхона бўлиб, бу товар фақат таҳририят қисми билан, яъни ўз материаллари билан бирга сотилишини таъкидлаган эди. «Газета фақат янгиликлар ва жамоатчилик фикрига таъсир этувчи насиҳатомуз мақолалардан иборат бўлган вақтлар бор эди. Аммо у даврлар аллақачон ўтиб кетган».

Бир эътибор қилинг-а, азиз газетхон. Бу сўзлар айтилганига 80 йилдан ошди. Шу кунларда биз ўз газетамизда реклама берсак, тадбиркорлик билан шуғулланиб, харажатларимизнинг бир қисмини ўзимиз қоплашга интилсак, буни айримлар тушунишмайди.

Умуман олганда,газета нашр этиш ва сотишнинг ўзи фойда келтирмайди. Шпрингер нашриётида (17 та ҳар кунлик, 9 та ҳафталик газета нашр этади, 12 минг ходим ишлайди) бизга айтишларича, газетанинг бир нусхаси учун 6 марка харажат қилинаркан. Уни сотишдан эса 1 марка олинаркан. Қолгани рекламадан тушаркан. «Франкфурт аллгемайне» газетасида (тиражи 400 минг нусха, 1200 ходим ишлайди) эса рекламадан тушадиган даромад харажатларнинг 60 фоизини қопларкан. Бу кўрсаткич оммавий журналларда 80 фоизни ташкил этади.

Агар реклама бўлмаса, харажатларни қоплаш учун, масалан «Цайт» газетаси баҳосини 2 баравар, «Велт»никини 3 барабар, «Штерн»никини 3,5 баравар ошириш керак эди. Нархни бундай ошириш амалда мумкин эмас. Чунки газета ва журналлар бозори касод бўларди.

Газета ва журналларга бериладиган рекламалар сони мазкур нашрларнинг аҳоли ўртасидаги мавқеи ва тиражига боғлиқ. Кўп нусхада чоп этиладиган, аҳоли қизиқиб ўқийдиганларининг рекламадан оладиган даромади ҳам кўп бўлади. Шу сабабли журналистлар маҳорати кўпроқ маблағ жалб қилишнинг асосий воситасидир.

***

Мана, азиз газетхон, Германияда матбуот ишининг ташкил этилиши билан ҳам бироз танишиб чиқдингиз. Ҳа, унда биз ҳам ўз фаолиятимизда ўрганишга арзийдиган жиҳатлар мавжуд. Ушбу тажрибалардан ўз хусусиятларимизни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш матбуотимизнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаб, обрў -эътиборининг юксалишига ёрдам берадиган омиллардан биридир.

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
«Самарқанд» газетасининг бош муҳаррири.

Ўсимликлар оламидаги ғаройиботлар

«МИНА»ЛИ АПЕЛЬСИНЛАР

Аргентина. Буэнос-Айрес кўчаларида тез-тез содир бўлиб турган портлашлардан юзлаб одамлар ҳалок бўляпти. Яна қанча бегуноҳлар қаттиқ тан жароҳати олаётир.

Йўқ, аргентиналиклар бомба ёки террорчиларнинг қурбони бўлмаяпти. Оддийгина грейпфрут — (цитрусли ўсимликлар оиласига кирувчи, апельсинсимон мева) портлаши уларнинг ширин жонига қасд қиляпти. Грейпфрутни кўпда апельсиндан ажратиш қийин.

Бу фожиали воқеаларга Буэнос-Айрес полициячилари ҳам сафарбар этилган.

— Апельсинлар худди минадек кучли портлаяпти, — дейди полиция инспектори Альберто Рамос. — Ҳар қандай ўткинчи 1-2 метр наридан кетаётган бўлса-да, тўсатдан портлаган «мина»ли мевадан оёқ-қўлларидан ажраб, мажруҳ бўлиб қоляпти. Энг хавфлиси шундаки, «минали мева» бозордами, кўчадами, уйдами, тўғри келган жойда портлаб фожиали воқеа рўй беряпти.

Ботаник олимларнинг фикрича, Шарқий Аргентинада ёввойи ҳолда ўсадиган грейпфрутлар аслида оддий апельсинлардан биологик жиҳатдан бироз фарқланаркан.

— Мева таркибидаги ҳар хил кислоталар маълум бир вақтга келиб, бир-бирига аралашади, яъни кимёвий реакцияга киришади, — дейди экспертчи доктор Рубен Бланко. — Меванинг таркибида кучли босим пайдо бўлади ва у «ёрилиб», портлаб кетади,

Аргентина қишлоқ хўжалиги вазирлиги доктор Рубен Бланко бошчилигида махсус олимлар гуруҳини тузди. Олимлар портловчи апельсинларни ўрганишга киришди. Мевали дарахтлар зудлик билан кесиб ташланяпти. Мамлакатдаги цитрусчи саноатчилар ҳам ташвишга тушиб қолишди. Портловчи грейпфрут цитрусчиларга катта иқтисодий зарар етказяпти.

Ҳа, аргентиналиклар ҳаётига ва иқтисодига чанг солиб турган «минали апельсинлар» ҳақида жиддийроқ ўйлашга, чора кўришга тўғри келяпти.

Санда ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

ЭНГ АРЗОН ТРАНСПОРТ.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

INTERNET UZ INFOCENTRE -ON-LINE РАК

МУХОЛИФАТ НАМОЙИШИ

БЕЛГРАД. *Агар ҳокимият ўтган йили ноябрь ойидаги сайловда мухолифатнинг ғалабасини тан олмаса, Сербиянинг бошқа шаҳарларида ҳам коалиция томонидан «автомобиль юриши» уюштирилади. Ўтган кунги «гилдираклар намойиши»ида қариб 5 минг машина 3 соат мобайнида пойтахтнинг асосий магистраль кўчаларидаги ҳаракатни тўхтатиб қўйди. Ҳайдовчилар чорраҳаларда атайлаб машинани тўхтатиб, йўлкалардаги пиёда намойишчиларга қўшилишди. Полиция бу куни Белград кўчаларидаги намойишчиларга нисбатан ҳеч бир чора кўрмади.*

МУЗОКАРАЛАР ТЕҲРОНДА ДАВОМ ЭТАДИ

ТЕҲРОН. *Бу ерда 6 январь куни Тожикистон ташқи ишлар вазири Талбак Назаров ва бирлашган тожик мухолифати раҳбарларидан бири Акбар Тўражонзода билан ўзаро яраши комиссиясини шакллантиришга оид масалаларни муҳокама қилади. Мазкур музокара 5 январда ўтказилиши кўзда тутилганди. Бироқ кейинчалик душанба кунига кўчирилди. Маълумки, Тожикистондаги бироддаркушлик можаросини бартараф этиш бўйича ўтган йил декабрь ойида Москвада Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ва мухолифат раҳбари Саид Абдулло Нурий ўртасидаги учрашувда тегишли келишувга имзо чекилганди.*

АРМАНИСТОН ЖАҲОН БАНКИДАН УМИДВОР

ВАШИНГТОН. *АҚШга ташриф буюрган Арманистон Бош вазири Армен Саркисян бу ерда Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки раҳбарлари билан музокараларни давом эттирмоқда. У, шунингдек, АҚШ маъмурияти вакиллари ва Америкадаги арман жамоатчилиги раҳбарлари билан ҳам учрашади.*

«ШПИГЕЛЬ» — 50 ЁШДА

КЕЛЬН. *Германияда чиқадиган ҳафталик «Шпигель» журнали бутунлай янгича кўринишда муштарийлар қўлига етиб борди. Журналнинг фақат ташқи кўринши ўзгарибгина қолмай, балки унинг ички саҳифаларида янги шрифтлар ва безаклар ҳам биринчи бор қўлланилди. Барча фотосуратлар рангли ҳолда бериладиган бўлди.*

Яқинда «Шпигель» 50 ёшга тўлди. Ушбу машҳур ва таъсир доираси кучли ҳафталикнинг юбилейини унинг нашрлари ва таҳририяти кенг нишонлашни кўзда тутаяпти. Шу йилнинг 15 январида тантанали йиғилиш ўтказилиб, унга кўпсонли фахрий меҳмонлар қаторида ГФР Президенти Роман Херцог ҳам таклиф этилади.

СУВ ТОШҚИНИДАН ЗАРАР КЎРДИ

НЬЮ-ЙОРК. *Американинг ғарбий штатларида ўтган йилнинг 26 декабридан буён давом этаётган кучли ёмғир ва сув тошқини 28 кишининг ҳалок бўлишига сабаб бўлди. Калифорния, Орегон, Айдахо, Вашингтон ва Невада штатларидаги 10 минглаб уйлар вайрон бўлди. 125 минг аҳоли бошқа жойларга кўчирилди. Сув тошқини экин майдонларига зарар келтирди, кўприклар ва кўчаларни вайрон қилди. Кўплаб шаҳар ва қўрғонлар сув остида қолди. Кейинги 40 йил ичида энг кучли ҳисобланган бу сув тошқини натижасида мамлакат бир неча юз миллион доллар миқдорида зарар кўрди.*

БОШ ВАЗИР БАЁНОТИ

БУДАПЕШТ. *Венгрия НАТО аъзоси бўлишга интилмоқда. Чунки фақат шу блокгина мамлакат хавфсизлигини кафолатлаши мумкин, деб баёнот берди журналистлар билан бўлган учрашувда Венгрия Бош вазири Дьюл Хорн. Унинг фикрича,собиқ Совет Иттифоқи тарқаб кетгандан кейин Венгрия ўз хавфсизлик кафолатини йўқотди. Бу эса Венгрияни НАТОга яқинлашиш йўлидан боришга ундамоқда. Шу билан бирга Хорн таъкидладики, унинг мамлакати Россия билан яхши қўшничилик муносабатларини сақлашга ҳаракат қилади. Бош вазирнинг тан олиб айтишича қараганда, Венгриянинг НАТОга қабул қилинишига нафақат Москва, балки НАТОнинг айрим аъзолари ҳам эътироз билдирмоқда.*

Жаҳон киноси юлдузлари

АРШИН-МОЛЧИ

Аршин-мо-ло-лон! Ҳа, бу ўша Ҳаким мурсалнинг ўғли— Асқар. Ҳар сафар машҳур «Аршин мололон» кинофильмини кўрсам Рашид Бейбутовни эмас, Асқарни кўраман. Неча марта қайта-қайта томоша қилсам-да: «Яна қачон қайтаришаркин» деган илинж билан қоламан. Балки Рашидбейнинг бетакрор истеъдоди шундай ҳис-туйғулар уйғотар кишида. Қизиғи, мен ҳалигача жаҳон киносанъатида ўзига хос из қолдирган Рашид Бейбутовни «аршин-молчи» деб атайвераман. Фильм болаликдаги бир воқеани ёдлатаверади...

Ўша вақтларда маҳалламиздаги ҳамма хонадонлардаям телевизор йўқ эканми, кўпинча қўшнимизникига чиқардик томошага. Бир куни опаларимнинг ўзаро шивир-шивирини эшитиб қолдим: «Бугун «Аршин мололон» бўларкан, сен рухсат ол, дадамдан» катта опам ўртанчисига уқтирарди. «Мен ҳам бораман» элдан бурун жанжалга шайландим. «Э, сен ухлаб қоласан... дардисар». Жон деб кинони кўргум бор эди-да. Биламан, жанжал қилсам, дадам ҳеч кимга кечаси юришга рухсат бермайди. Опаларим ҳам билади буни. Дарҳол катта опам битимга ўтди: «Майли, борасан, фақат кечгача шу беш жўяк пиёзни ўтоқ қиласан?» Оилада энг кенжа фарзанд бўлганимданми, уй юмуши-ю, меҳнатга тобим йўқ эди. Қанча дангаса бўлмайин, барибир шартини бажарувдим ўшанда.

Кейинроқ эса аршин-молчини бошқа фильмлардаги ролларда кўриб: «Барибир аршин-молчи яхши» деб ўксинганман. Бу болаликнинг беғубор соддалиги эмасди. Актёр менинг онгимга аршин-молчи бўлиб муҳрланиб қолганди-да. Йиллар ўтган сари, Рашид Бейбутов ижодини қизиқиб кузатадиган бўлдим.

Рашид Бейбутов Тбилисида туғилади. Сўнгра эса Озарбойжонда ижод қилди. Актёрлар бор босқичма-босқич шуҳрат чўққисига кўтарилади. Фильмларда суратга тушади. Машҳурлик чўққисига бирдан чиқиб қолмайди. Рашидбей эса 1944 йилда кино оламига шиддат билан кириб келди. Тезда «ярқ» этиб кўзга ташланиб қолди. Биз кўпроқ уни актёр сифатида яхши биламиз. Рашидбей эса катта овоз имкониятига эга қўшиқчи ҳам эди. Моҳир вокаль қўшиқлар устаси. У жаҳон халқлари санъатини беиҳоя қадрларди. Ўзи ҳам 50 дан ортиқ тилларда қўшиқ куйлай олган хонанда.

Рашидбейни жаҳон санъат ихлосмандлари бежиз «Каспий булбули» деб атамасди. Истеъдод соҳиби бўлган актёр хонандаликни ҳам «қойилмақом» қиларди. Кўплаб мусиқали фильмлардаги қўшиқларниям ўзи ижро этарди. «Дилбарим» фильмининг шуҳрат қозонишидаям «булбул»нинг хониши асқотгани сир эмас.

У серқирра санъаткор. Зеро, ноёб истеъдодли Яратганнинг ўзи юқтирган санъаткордир. Ёркин образлари, сайроқи булбулдек ёқимли овози билан жаҳон кино юлдузига айланишдек бахт-омад эса кўп санъаткорга насиб этавермайди. «Аршин мололон» Озарбойжонда яратилди. Лекин аршин молчи бизнинг юрагимиздан ҳам чуқур жой олди. Бундай аташ севимли актёр шуҳратига заррача беписандалигимдан эмас. Мен уни шу тариқа эъзозлашдан кўнглим таскин олади.

Аршин мо-ло-лон... Ҳа, бу ўша баъзи шарқона одатларимиздан чекиниб «қайлиғимни тўйдан олдин кўраман» деб елкасига бўхча осган, қўлтиғига аршин қистирган аршин-молчи — Асқарнинг овози... Рашидбей.

Саида БОНУ.

Ҳангоматалаб воқеа

ОЛТИ ЁШЛИ УЧУВЧИ

Сицилия. Палермолик олти яшар болакай отасининг вертолётини «олиб қочди». Аниқроғи, вертолёт болани фалакка «кўтариб кетди». Марио ди Сернонинг отаси бир неча дақиқага вертолётини қаровсиз қолдирди. Пайтдан фойдаланган ўғли дарҳол рулга ўтирди. Вертолёт шиддат билан кўкка кўтарилганда ҳамма даҳшатли воқеа рўй беришидан юрак ҳовучлаб туришди. Йўқ, ёш учувчи вертолётни 52 километр нарига «юмшоқ» қўндирди.

— Марио ун марталаб ёнимда учганди. Лекин унинг вертолётни бошқара олишидан бехабар эдим, — дейди полициячиларга унинг отаси. — Дарвоқе, у вертолётдаги самога саёҳатларимизда «унгга олинг», «сал чапроққа», «ҳаво «чуқурча»сига тушдик» деб ўргатиб борарди. Буни болаларча қизиқувчанликка йўйибман.

Ёш учувчига ҳамма қойил қолса-да, жумладан отасиям, лекин бошқа вертолётини ҳеч ким назоратсиз қолдиришга юраги бетламайдиган бўп қолди.

Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги «Олтин Сабр» хусусий фирмасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997 yil 7 yanvar, seshanba № 3 (22.088).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ
навбатчи Қ. ЭШМАТОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 28.931 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 03

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Дунё ҳавас қилсин

ПАЛОВХОНГА ОВРЎПА МАҲЛИЁ

Инсонни инсон қилиб турган, унинг маънавиятини бойитишга имкон берадиган омиллардан бири — овқатланиш маданияти. Ҳар бир мамлакатда ўзига хос ва бетакрор таомлар тайёрлаш ва егуликлар ҳозирлаш анъанаси бор. Тузалган дастурхон, тортилган таомга қараб, қайси миллат ёки элатга мансубликни англаш мумкин. Биз ҳар жиҳатдан бу борада фахрланса арзигулик қадриятларга эгамиз. Юзлаб таомларни санаб ўтирмай, биргина палов ҳақида фикр юритадиган бўлсак, тарихи бир китоб бўлғусидир. Катта ош дамлаш ёки паловнинг турли хиллари узоқ йиллар мобайнида шаклланиб, такомилига етказилган. Ош тайёрлаш чоғи пазандаликда қўлланиладиган барча жараёнлар — қовуриш, қайнатиш ва димлаш каби омиллардан фойдаланилади. Бундай таомнинг тотли экани ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Лекин унинг дармондориларга бойлиги, қувватбахшлилиги таҳсинга лойиқ. Ҳатто, тўй ошларини шифокорлар гастрит дардига мубтало бўлганларга ҳам буюришаётгани таомнинг осон ҳазм бўлишидан нишонадир. Пазандаю катта ошпазлар ўртасида оврўпалик етакчи олимлардан бирининг: «Бутун қитъа ошхоналарида тайёрланувчи таомларни ўзбекнинг бир ошам ошига алмаштирмайман» деган гапи бор.

«Шарқ» нашриёт матбаа концернида босмадан чиқарилган «Ўзбек миллий таомлари» китобида ҳам ана шундай миллий ифтихор туйғулари ўз ифодасини топган. Муаллифлар Т. Худойшукуров, О. Маҳмудов ва Р. Убайдуллаевлар бу китобнинг ўзига хос қўлланма бўлиб қолишига эришганлар. Мутахассислар ва уй бекалари учун фойдаланиш осонлиги билан эътиборни тортади. Китоб 90 га яқин миллий таомларни тайёрлаш технологияси ва 100 дан ортиқ таомлар кўриниши ифодаланган рангли тасвирлар билан безатилган. Шунингдек, фаслларга мос тарзда таом тайёрлаш, дастурхон тузаш ҳамда сабзавотлардан турли хил гул ва безаклар ясаш йўллари ҳақида ҳам мисоллар келтирилган. Айниқса, китоб ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилгани диққатга сазовор. Боиси, китоб баҳона ўзбекона одобимиз, таом ва дастурхонлар тузашдаги шарқона санъатимизни оламга ёйишга яна бир йўл очилгусидир.



Мирзоҳид РАЖАБОВ,
республика гўшт саноати фирмаси бош директори.

Она бўла қолгин, бизга табиат!

«ЖАЙРОН, НЕГА КЎЗИНГ ТЎЛА ЁШ?!..»

— Бу барчамизнинг қалб нидомиздир, — дейди Нукус махсус ўрмон хўжалиги директори Мақсет Ахметов куюнчаклик билан

— Мақсет оға, бугунги кунда энг оммабоп ва барчага бирдай манзур бир қўшиқ сатрини суҳбатимизга сарлавҳа қилиб танладик. Жайрон... нақадар маъсум ва беозор жонивор. Лекин, афсуски, бугунги кун одамлари, айниқса ёшларимиз [illegible] ноёб жониворлар ҳақида фақат қўшиқ ва кинолар орқалигина тасаввурга эгадирлар. Илтимос, етук бир мутахассис сифатида ушбу ҳуркак ва ювош жониворлар ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз?

— Жайрон деб аталмиш жониворнинг Ҳиндистондан Эронгача, Афғонистон-у Покистондан то Мессопотамиянинг Ефрат дарёларигача бўлган кенг майдонда тарқалган ҳолда яшаб келганлигини таъкидлашга, менимча, ҳожат бўлмаса керак. Бундан ташқари, бу ҳайвонларнинг нафақат қадимда, балки ҳозирги кунда ҳам овчилик бобида катта аҳамиятга молик эканлиги сир эмас.

Афсуски, XX асрнинг 60-70-йилларига келиб, мазкур ҳайвон сони кескин камая бошлади. Мисол учун, 60-йилларда Қизилқумда 1,5-2 минг бош жайрон руйхатга олинган бўлса, 1975 йилга келиб, тадқиқотчилар 100 километрлик масофада фақат 10 тагина жайронни учратганлар, холос!

— Сабаб?

— Бунинг сабабини қуйидагича тушунтириш мумкин: 1968, 1971, 1975, 1993 йилларда ёққан қор ва музли ёмғир оқибатида ерлар муз билан қопланган, оқибатда жайронларнинг асосий емишлари муз остида қолиб кетган эди. Бундан ташқари, ҳаётининг кўп қисмини у ердан бу ерга кўчманчилик қилиб ўтказадиган сайғоқлар эллигинчи йилларга келиб, сон жиҳатдан жуда тез ўсиб кетиши сабабли, улар Орол денгизи орқали Қизилқумга, ҳатто муз орқали Орол денгизи ўртасидаги «Борса келмас» ва «Возрождение» ороллариг ача тарқалганлар. Бу жараён ўз навбатида жайронлар ҳаётига ҳам маълум маънода ўз таъсирини кўрсатди. Чунки, сайғоқлар ва кемирувчилар жайронларнинг асосий озуқаталаш рақобатчилари бўлиб ҳисобланади. Масалан, ўша «Борса келмас» оролида қуриқхонадаги жайронлар сони 1947 йилда 2300 бошни ташкил қилган бўлса, орадан қарийб ўттиз йил ўтиб, 1978 йилда улар сони 200 бошдан ошмай қолди. Жайронлар ер юзида кескин камайиб кетганини ҳисобга олиб, бу ноёб ҳайвон ҳам айни пайтда «Қизил китоб»га киритилган ва муҳофаза қилинмоқда.

— Кечирасиз, Мақсет оға, умуммақсадимиз бу жониворларни сақлаб қолиш, уларнинг наслини давом эттириш, келажак замонларга ҳам омон етказиш бўладиган бўлса, улар номини фақат «Қизил китоб»га киритиш билангина бунга эришиш мумкинми? Нима дейсиз?

— Йўқ, албатта! Шунинг учун ҳам бу нохуш ҳолатларни ҳисобга олиб, 1977 йилда Бухоро вилояти ҳудудида 5126 гектар ер майдонига эга бўлган «Жайрон» қуриқхонаси ташкил қилинган эди. Бундан мақсад, кескин камайиб кетаётган жайронларнинг ушбу қуриқхонада кўпайишига шароит яратиб бериш, ҳамда, кўзланган мақсадга эришилгач, яна уларни табиат қўйнига қайтариш эди. Қуриқхона ташкил қилинган йили уларнинг 45 таси олиб келинган. Ўн икки йил мобайнида, яъни 1989 йилга келиб, улар сони 1224 бошга етди. Бу — қуриқхонанинг техник-иқтисодий имкониятларида кўрсатилгандан 85 фоиз кўп демакдир.

— Лекин, менимча, шиддаткор замонамиз учун бу сон ҳам кам-да...

— Энди тингланг: бу ерда хилма-хил биологик концепциялар асосида илмий текширишлар олиб бориш мақсадида, 1988 йили қуриқхона республика миқёсидаги илмий-ишлаб чиқариш марказига айлантирилди ва «Жайрон» экомаркази деб номланди. 1978 йилдан бошлаб бу ерга Тошкент ҳайвонот боғидан 2 та Бухоро буғуси, «Борса келмас» қуриқхонасидан 5 та сайғоқ, 3 та қулон, кейинчалик Москва ва Санкт-Петербург ҳайвонот боғларидан бир қанча қоплон ва ёввойи отлар келтирилди.

Албатта, дастлабки ўн йилликларда қуриқхонада барча ҳайвонларнинг ривожланиши нормал ҳолатда кетаётган эди, аммо 1990 йилга келиб қуриқхонада жайронларнинг кўп қисми қирилиб кетаётганлиги, бошқа ҳайвонларнинг кўпайиши ҳам секинлашаётганлиги кузатилди. 1995 йилга келиб Прежевальский отларининг сони атиги 11 тага, қулонлар 30 тага, сайғоқлар 16 тага кўпайди, холос. Бугунги кунда фақат яккаю-ягона сайғоқ қолган бўлиб, бошқалари эса ўзидан насл қолдиришни гўё унутиб қўйдилар. Ажабланарлиси шундаки, қуриқхонадаги ушбу нохуш ҳодисалар мутасадди раҳбарларни ҳеч бир ташвишга солмади, шекилли, бу борада ҳеч қандай амалий тадбирлар қўлланилмади.

— Айтинг-чи, сиз ўзингиз қандай зарур амалий тадбирлар қўллаш лозим деб ўйлайсиз?

— Мен ўтган йилнинг 23-25 октябрь кунлари Бухоро давлат дорилфунунида «Ўрта Осиё, Амударёбуйи ҳудудининг экологик муаммолари» мавзусида бўлиб ўтган илмий анжуманга қатнашганимда, ҳамда «Жайрон» экомарказида бўлганимда қуйидаги хулосаларга келдим: аввало, қуриқхонанинг техник-иқтисодий имкониятларини қайтадан кўриб чиқиш лозим. Бу ердаги ҳайвонлар учун мўлкўл озуқа базасини яратиш мақсадида ҳар хил фитеомелиоратив усулларни қўллаган ҳолда ёвшан, исен, терске, кейверик, чугун, янтоқ, исириқ каби, гипсли, қумли ерларда яхши ўсадиган озуқабоп кўп йиллик ўсимликларни экиш зарур. Қуриқхона шароитида ҳайвонлар учун муҳим ичимлик суви таркибида минерал тузлар етишмаслигини ҳам ҳисобга олиш зарурдир. Бундан ташқари, қуриқхона учун қўшимча ер майдонлари ажратиш керак. Шундагина бу қуриқхона кутилган натижаларни бериши мумкин. Қизилқум саҳросининг Орол денгизи бўйларидаги Қорабойли, Оқбеткей, Тайлақжеген, Маяжун, Бўзайғир, Қорабўра, Аббос, Жилтирбас, Кўқдарё каби жойларда бир пайтлар қоплон, ёввойи отлар, қулонлар ва жайронлар яшаган. Эндиликда эса на қишлоқ хўжалигида, ва на бошқа мақсадларда фойдаланилмай ётган (Оролнинг денгиз сувидан бўшаган ерларини қўшиб ҳисоблаганда) 2-2,5 миллион гектар ер майдонлари ана шу мақсадларга хизмат қилиши мумкин. Мабодо мана шу ерларда қуриқхона ташкил қилинса ва ундан «Жайрон» экомарказининг табиатдаги бир бўлими сифатида фойдаланилса, мазкур ҳайвонларнинг ўз ота маконларига тезда мослашиб кетиши учун қулай шароит яратилган бўлур эди.

— Суҳбатимиз якунида шундай савол: мазкур қуриқхоналаримизнинг яқин келажакдаги аҳволини қандай тасаввур этасиз?

— Биринчидан, айни кунларда қуриқхонада Ўзбекистон Фанлар академиясининг экология ва паразитология олийгоҳи ходимлари билан ҳамкорликда Россия, Хитой, Мўғулистон, Англия, Франция олимлари ҳам иш олиб бораётганлиги, эндиликда эса Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, АҚШ, Покистон ва Янги Зеландия давлатлари олимларининг ҳам бирга ҳамкорлик қилиш учун хат йўллаганликларини эшитиб, қувонамиз, албатта. Аммо қуриқхонадаги шароитларни яхшиламасдан туриб, бундай катта ишларни бошлашнинг иложи йўқ. Хулоса шуки, Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Бухоро вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси «Жайрон» экологик марказидаги муаммоларни ўрганиб чиқиб, тегишли хулосага келадилар, дея умид билдирамиз. Жаҳон харитасида ўзининг хўжалиги, ишлаб чиқариши, саноати, юксак маданияти, санъати ила кўзга ташланаётган мустақил диёримиз яқин йиллар ичида ажойиб, бой, ранг-баранг ҳайвонот ва наботот олами билан ҳам ер юзи аҳолисининг эътиборини жалб этади, деб ишонаман.

Суҳбатни Мансур АҲМЕДОВ олиб борди.

Kunnoma
Yangiliklar, voqealar, xabarlar

IXCHAM VA KAMCHIQIM TO'YLAR

TOSHKENT. Parkent tumani hokimligida xayrli tadbir uyushtirildi. Mahalla oqsoqollari, mehnat faxriylari va mutasaddi tashkilotlarning vakillari to`plangan bu yig`ilishda to`ylarni ixcham, kamchiqim o`tkazish borasida mulohaza yuritildi. Xususan qiz majlisi, nikoh marosimi, beḥuda bazmlaru ortiqcha sarupolar haqida fikrlar bildirildi. Yig`ilganlar to`ylarimiz zamonga mos bo`lishi haqida takliflar kiritishdi. Bunday an`analarning shakli emas, mazmuniga ko`proq e`tibor berishga chaqirildi.

Sohibjon SALIMOV.

BUXORODA FITRAT BOG`I

BUXORO. Baxouddin Naqshband ko`chasida xalqimizning suyukli farzandi, istiqlol uchun tolmas kurashchi Abdurauf Fitrat xiyoboni tashkil etildi. Adib tavalludining 110 yilligi munosabati bilan tashkil etilgan muzey ham ana shu bog`qa joylashgan. Viloyat hokimi Samoydin Husenov hamda adibning qizi Sevara Karomatho`jayevalar xayrli tadbirda qatnashdilar.

Davron BAHRONOV.

OBOD MAHALLALAR

ANDIJON. Qo`rg`ontepa tumanida uy-joy mavzelari qatori mahallalar ham tashkil etilmoqda. Hokimlik tashabbusi bilan joylarni obodonlastirish, yo`llar ochish, elektr tarmog`ini ishga solish uchun hasharlar uyushtirilmoqda. Bunday ishlarda 35 ta yuklagich, 200 ta transportdan unumli foydalanildi. 9,5 kilometrga shag`al yotqizilib, 200 ta beton ustunlar tiklandi.

Ahmadillo SOLIEV.

Бухоронинг 2500 йиллиги олдидан

ДУНЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН ШАҲАР

Бухоро — жаҳонда шариф деб тан олинган етти шаҳарнинг бири. Ўзининг тарихий обидалари, бу қадимий шаҳар Индонезиядаги мусулмон оламида машҳур бўлган Оғахон жамғармаси таъсис этган халқаро мукофотни олишга сазовор бўлди. Хўш, шариф шаҳар бунга қандай эришди?

Бухоро Шарқнинггина эмас, балки дунёнинг бойлиги ҳисобланади. ЮНЕСКО уни жаҳоний меросга эга бўлган шаҳарлар сирасига киритгани ҳам бежиз эмас. Шаҳарда юзлаб қадимий обидалар асрлар оша ўзи бўй-бастини намоён этиб турибди. Қадимий Арк, Минораи Калон, Исмоил Сомоний мақбараси, Девонбеги хонақоси, Лабиҳовуз ансамбли, масжиди Калон, Улуғбек, Кукалдош, Мир Араб мадрасалари... санаб адоғига етиб бўлмайди. Буларнинг ҳар бири шаҳар тарихи саҳифаларини бойитиб турибди.

Бухоронинг бошқа қадимий шаҳарлардан устуворлиги эса бу ерда жўшқин ҳаёт нафаси уфуриб турганидан дейиш мумкин. Унинг эски қисмида обидалар орасида аҳоли истиқомат қилади. Савдо расталари, ҳунармандчилик устахоналари бор. Яна ҳамиша одамлар, сайёҳлар билан гавжум.

Бухоройи Шарифнинг эски шаҳар қисми бир неча бор босқинчилар томонидан топталган бўлса ҳам унинг фидокор, жонкуяр халқи, асл фарзандлари обидаларни қайта ўз ҳолига келтиришни ўзлари учун ҳам фарз, ҳам қарз деб билдилар. Хусусан, сўнгги ўн йилликларда амалга оширилган кенг кўламдаги таъмирлаш ишлари шаҳар қиёфасини асл ҳолига қайтаришда муҳим аҳамият касб этди. Мафтункор шаҳар шунинг учун ҳам Оғахон жамғармасининг халқаро совринига сазовор бўлди. Ахир, мукофотга тақдим этилган 12 шаҳар орасида биринчи бўлиш, 120 дан ортиқ давлатлар вакилларининг бунга хайрихоҳлиги мустақиллигимиз туфайли юртимизнинг оламга юз тутаётганлигининг бир кўриниши эмасми?

Ҳозиргача Бухоройи Шарифнинг эски қисмини таъмирлаш учун 7 та махсус дастур ишлаб чиқилган. Унда ёдгорликларни асл қиёфасига қайтариш, сув ва оқава йўллари, алоқа, транспорт, коммуникациялар, қурилишлар кенг ўрин эгаллаган.

Бу йил сентябрь ойида юбилейи нишонланадиган Бухоро катта тўйга тайёрланяпти. Бунда меҳнат жамоалари, корхона ва ташкилотлар ходимлари ташаббусни ўз қўлларига олишаётгани, айниқса қувонарли.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

ДОРБОЗЛАР КЕЛМАБДИ-ДА

Маълумки, келаси йили Таиландда навбатдаги Осиё ўйинлари ўтказилади. Ана шу йирик халқаро мусобақага қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бу ерда миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича иккинчи марта бутунжаҳон фестивалини уюштирилгани ҳам шундан. Анжуманда 44 мамлакатдан вакиллар иштирок этди. Истиқлол юртимиз вакиллари ҳам фестивалга бордилар. Жамоамиз дастурига қизиқиш катта бўлди. Хусусан, фарғонача, бухороча миллий кураш ўйинлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Тобора оммавийлашиб бораётган «Турон» қўл жанги баҳслари мухлислару мутахассисларни ҳайратга солди. Шунингдек, халқ ўйинларидан «Хўрозминди» баҳслари олқишга сазовор бўлди. Ўзбекистон Давлат байроғи ҳилпираб турган ўйингоҳда кўплаб журналистлар ташриф буюрган эди. Голландиялик журналист жамоамиз раҳбари Турдиали Усмоновга мурожаат этиб: Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё ўйинларида иштирок этгани ва тантанали очилиш маросимида дорбознинг машъала ёққанини эслатиб, нима учундир ана шундай қизиқарли ўйин усталари Таиландга келмагани билан қизиқди.

МАЙДОНДА МАТЛУБОТЧИЛАР

Қорақалпоғистон пойтахтида «Ўзбекбирлашув» бошқармаси ходимлари ўртасида теннис бўйича республика мусобақаси ўтказилди. Кичик тўп баҳсларида ўрта ва катта ёшдаги кишилар қатнашди. Ҳал қилувчи учрашув «Кооператор» спорт клуби директори Т. Айтмуротов билан Бухоро вилояти матлубот кооперацияси ходими Ҳ. Ҳинназаров ўртасида давом этди. Бунда бухоролик теннисчи устун келди. Тошкент вилоят матлуботчиларидан Ш. Содиқовга учинчи ўрин насиб этди. Катта ёшдагилар баҳсида сурхондарёлик Ж. Бегалиев совриндор бўлди. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди

«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ»
«ЎЗМАТЛУБОТТАЪМИНОТ» УЮШМАСИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ:
• Японияннинг «ШАРПХЕ — А120» назорат-касса аппаратлари
• Украинанинг 10 килограммгача оғирликни ўлчовчи рақамли РН-10Ц-13У тарозилари
• Нон маҳсулотлари ва турли пишириқлар тайёрлаш учун ШПЭСМ-3 шкафлари.
Мурожаат учун телефонлар: (3712) 48-43-92, 48-64-89, 48-15-21.

Диққат!
ИМТИЁЗЛИ РЕКЛАМА
"Осиё бозори" маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг реклама ва эълонларини 30% АРЗОН НАРХЛАРДА чоп этади.
Бизга қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг: (3712) 33-79-14, 33-47-80. Факс (3712) 33-54-55.